

# ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ УЧУН СЕМИНАР-ТРЕНИНГЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА



«Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси» лавозимида тавсия этилганларни ўқитиш бўйича семинар-тренинглари бўлиб ўтмоқда.

Янги жорий этилаётган тизим аҳолининг маҳалладан чиқмай туриб барча давлат хизматларидан фойдаланган ҳолда ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ечишга қаратилган.

Бугунги семинар-тренингнинг 7- кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат хизматларини ривожлантириш агентлиги Сурхондарё филиали бош инспектори Нодир Мўминов ма'рузаси тингланди.